*Амалдаги байналмилаллик*

# ХУШНАЗАР АКАНИНГ ДОҒИСТОНЛИК ИНИСИ

Алғов-далғовли 1931 йил эди. Бир неча таноб ери, от-улоғи бўлган Нарзулла аканинг оиласига «қулоқ» деган тамға босилиб уларни қишлоқдан бадарға қилмоқчи бўлдилар. Хонадон киндик қони тўкилган ерга сиғмай қолди. Маломатларга, ҳақсизликларга чидамай Нарзулла ака оғир касалланиб, ҳаётдан кўз юмди.

Бир этак бола билан қолган Унсин опа минг даргоҳга бошини урди, аммо ҳамма ердан «қулоқлар» оиласи деган тавқи-лаънат эшита верди. Осмон йироқ, ер қаттиқ эди. Ўша пайтлари ўртанча ўғли Хушназар оқ-қорани танийдиган бўлиб қолганди. У яхши эслайди: ярим кеча, эшиклар шарақлаб очилиб, остонада қуролли кишилар пайдо бўлди. Ҳаммасининг қовоғи солинган. Болалар чириллашиб она этагига ёпишдилар. Онаизорнинг илтижо, таваллосига қарамай, уларни тун изғиринида вокзалга ҳайдаб кетдилар.

Вагон ғилдиракларининг тақир-туқури остида бола хаёл сурар, кўз олдидан тили чиққан уйи — баҳорда чаппар уриб гуллайдиган ўриксор ҳовли, лўла болишлар ташланган супа кетмасди. Бадарға қилинганларни бир неча кундан кейин Ставрополь ўлкасига келтириб ташладилар. Бу Сталин яккаҳокимлигининг бедодлигини ўз бошидан кечирган оилалардан бири эди.

Шу кунгача яна қанча сувлар оқиб ўтди, қанча тақдирлар ўзгарди...

Ставрополь ҳақида хабар эшитса, Хушназар аканинг юраги жўнбушга келарди. Дарҳол ўттиз биринчи йилнинг изғиринли туни, онаизорнинг илтижолари, вагон ғилдиракларининг овози ёдига тушарди. Қалбини гоҳ илиқ, гоҳ аччиқ меҳр ва изтироблар қопларди.

Ногаҳон келган қарчиғайдан ҳимоя қилиб полапонларини бағрига яшириб олган безовта қушдек жонсарак онаизорининг дийдори кўз олдидан кетмасди.

Аммо рўзғор, тирикчилик юкидан халос бўлиб, у томонларга сафар қилолмаслиги учун ўзини кечиролмасди.

Нарпай район ижтимоий таъминот бўлимидан Ставрополь ўлкасига дам олишга йўлланма берилиши унинг учун айни муддао бўлди. Орзуси, муроди ушалаётган эди.

Хушназар ака сўраб-суриштириб саҳарда Лево-Кумск қишлоғига етиб келди. У сабрсизлик билан тонг оқаришини кутарди. Онаизорининг пойи-қадами теккан, ўзининг болалиги кечган ерларни яна бир кўришни истарди. Бироқ орадан ўтган қарийб 60 йиллик муддат кўп нарсаларни ўзгартириб юборганди. Шу боис тонг аллақачон ёришган бўлса-да, у атрофга разм солиб ҳеч нарсани таний олмади. Қишлоқ бутунлай бошқача бўлиб кетган, бу ерда янги авлод ўсиб етишган, ҳеч кимни таниб бўлмасди.

Шу орада қаршисидан сутранг «ГАЗ-24» автомашинаси ўтиб қолди. Қўл кўтариши билан машина орқасига қайтиб, унинг олдида тўхтади.

Юлдузи иссиқ, элликларни қоралаган киши кабинадан кулиб қараб турарди. Хушназар ака ҳайдовчидан қишлоқ қабристонининг қаерда жойлашганини сўраши билан ҳайдовчи машина эшигини очиб ўтиришга таклиф қилди, элтиб қўйишини айтди. Йўл узоқ, кўнгил яқин, дейдилар.

Хушназар ака Самарқанд областининг Нарпай районидаги «Октябрь» колхозидан эканлигини, колхозлаштириш даврида кўчирма қилинганини, онасининг қабри шу ерда эканлигини, уруш ветерани сифатида пенсияга чиққанлигини айтди. Ҳайдовчи ўзини Зубайирҳожи Абдуллаев деб таништирди. Лево-Кумскка қўшни бўлган Николаево — Александровск қишлоғидаги совхозда чорвадор бўлиб ишлаётганлигини, асли доғистонлик эканлигини айтиб қолди.

Зубайирҳожи гап орасида колхозлаштириш даврида бу томонларга ўзбек оилалари кўчирма қилинганидан хабардорлигини, уларнинг кечирган азоб-уқубатларини эшитганларини сўзлади. Шу боис ўзбекларнинг ҳозирги ҳаёти ва турмуши қандай кечаётганлигини суриштирган бўлди. Йўловчилар ўзаро дардлашиб, манзилга қандай етиб келганларини пайқамай қолдилар. Машина кўркам, данғиллама ҳовли эшиги олдида тўхтади.

Хушназар ака ҳайрон бўлди.

— Меҳмон отангдан улуғ, деган гап бор. Қолаверса, ўзбек билан доғистонлик бир қавмдаги халқ. Аслида юртдош эканмиз. Бизникида меҳмон бўлиб кетасиз, — деди Зубайирҳожи.

Меҳмон шарофати билан Зубайирҳожининг уйига оила аъзолари тўпланишди. Ўғиллари Абдулқаҳр, Муҳаммад Али ҳам отасидек одамшаванда, дилкаш йигитлар экан, Хушназар ака билан тез иноқлашиб кетишди.

Нон-туздан кейин Зубайирҳожи меҳмонга қўрасини кўрсатди, ишларидан гапириб берди. Ижарага совхознинг чорвасини боқаркан. Ҳар йили бўрдоқига боқиш бўйича зиммасига олган шартнома мажбуриятларини бажариб, мўмайгина даромад қиларкан. Икки қаватли ғиштин бино, доим эшик олдида эгарланган тойдек тайёр турадиган «ГАЗ-24» енгил машинаси ана шундан далолат берарди. Шахсий хўжалигида 8 бош говмиши, 300 бош совлиғи, 6 бош новвоси бор экан. Умуман ҳалол меҳнати эвазига егани олдида, емагани ёнида, қўлини қаёққа узатса етар экан.

Зубайирҳожиларнинг уйида шу куни ярим тунгача чироқ ўчмади. Меҳмоннинг уй эгасига меҳри тушиб қолганди. Хушназар ака бошидан кечганларини гапириб берди. Ота хотирасида кўчирма бўлган йиллари, Лево-Кумск қишлоғида кечган ҳаёти жонлана бошлади.

Хўроз ҳамма ерда бир хил қичқиради деганларидек, Лево-Кумскда ҳам деҳқон аҳлининг турмуши оғир кечарди. Кўр-кўрона коллективлаштириш баҳонаси билан ер, от-улов тортиб олинганди. Ерни ишлагани на от-улов, на техника ва на уруғлик бор эди. Бу ерда ҳам энди жонланиб келаётган деҳқон хўжаликлари «қулоқ» сифатида тугатилиб, ери борми, қўш ҳўкизи борми, паррандаси борми — мусодара қилинарди. Шундай оғир шароитда Ўзбекистондан бир қисм аҳолининг мажбуран кўчириб келтирилиши озиқ-овқат тақчиллигини янада кучайтириб юборди.

Катталарга кунига бир тишламдан — 100 граммдан, болаларга 50 граммдан қора нон улашардилар. Унсин опа чурвақаларнинг қорни деб колхоз ишидан кейин ҳам тинмасди. Бировларнинг кирини ювар, сигирини соғар, рўзғорига қарашар, кечкурунлари ҳориб-чарчаб, бурнидан тортса йиқилгудек бўлиб уйга қайтарди. Топгани бир тишлам нонми, бир коса сутми, пишириб-куйдириб нуридийдаларининг оғзига тутарди.

Ҳеч нарса ноннинг ўрнини босолмас эди. Унсин опа қанча елиб-югуриб ишласа ҳам қизчаси билан ўғилчасини очлик чангалидан қутқариб қололмайди. Болалар тўнтарилган қозонга тикилганларича жон бердилар. Фарзанд доғи ёмон бўларкан. Онаизор кечагина кўз олдида пилдираб ўйнаб юрган жигаргўшаларини тупроққа топшириб қайтгач, кундан-кун мадордан кета бошлади. Бир томондан очлик, иккинчи томондан болаларининг ўлими уни оғир дардга чалинтирди. Болаларнинг қирқи чиқмай туриб, у ҳам оламдан кўз юмди. Хушназарнинг қўлини чангаллаб туриб, айтган гапи шу бўлди: «Укаларингнинг ёнига қўйгин, болам!»

Меҳмоннинг ҳикояси шу ерга келганда Зубайирҳожи ҳўнграб юборганини сезмай қолди. Кейин ҳар иккиси анчагача жим ётишди. Яхши одамлар ҳамма ерда ҳам бўлади. Унсин опадан кейин унинг фарзандларини Лево-Кумскда ёлғизлатиб қўймадилар. Қўлидан бир нав иш келиб қолган Хушназарни тракторчиларга ёрдамчи қилиб ишга жойлаштиришди. Укаси Саъдуллани Николаево-Александровск қишлоғидаги болалар уйига топширишди. Хушназар тракторчига сув ташиб берар, уни мойлаш, ремонт қилишга ёрдамлашар, бунинг эвазига колхоздан иш ҳақи оларди.

Ана шулар ҳақида Хушназар ака Зубайирҳожига онасининг бошида — қабр ёнида гапириб берди. Хушназар ака халқимиз анъанасига кўра, қуръон тиловат қилиб, оламдан барвақт кўз юмган онаизорига, укаларига бағишлади. Кейин Зубайирҳожининг уйида мусулмон қўни-қўшниларни йиғиб, онасига, укаларига ис чиқарди. Буларнинг ҳаммасига Зубайирҳожи бош-қош бўлди.

Хушназар ака эртасига хайрлашгани яна бир бор қабрга зиёратга борди. У туғилган еридан узилиб, ўзга ерда бир умрга паноҳ топган мунис, муштипар онасининг қабрини ўпиб, тупроғидан бир сиқим олиб елим халтага соларкан, Зубайирҳожи бунинг боисини сўради. Хушназар ака ўйланиб туриб жавоб қилди:

— Онам оламдан ўтгандан кейин ҳам унинг руҳи-аъмоли мусофирлик дардини тортмасин, деб тупроғини ўз юртига — Нарпайга олиб кетаяпман. Олиб бориб жуфти ҳалоли падаримизнинг тупроғига қўшаман. Замона зайли уларни тириклигида бир-биридан жудо қилганди. Ҳеч бўлмаса энди бирга бўлишсин!

Зубайирҳожи ўзбек оғасини то аэропортгача кузатиб қўйди. Хайрлашиш пайтида улар анчагача бир-бирларининг бағрларидан ажралмай турдилар. Ҳа, оғир дақиқаларда ҳамдард бўлган биродар қиёматли оға-инидир. Шу-шу Хушназар ака билан Зубайирҳожи хонадони ўртасида борди-келди узилмайди. Ота қачонки Ставрополь томонга дам олгани келаркан, аввал доғистонлик инисини зиёрат қилади. Иккиси биргалашиб яна муҳтарама волиданинг қабрига бориб, фарзандлик бурчини бажо келтирадилар.

Хушназар ака энди катта хонадоннинг эгаси. Ували-жували. Невара-чеваралари атрофини қуршаган. Николаево-Александровскдаги болалар уйида Ставрополь ўлкасининг тузини тотиб улғайган укаси Саъдулла Самарқандга қайтиб Нарпайда кўп йиллар бухгалтер бўлиб ишлади. Ҳозир унинг ўғиллаpидан бири механизациялашган 2-кўчма колоннада бошлиқ, иккинчиси прораб. Хушназар аканинг икки ўғли ва бир қизи бор. Тўлқинжон давлат суғурта идорасида инспектор, Абдулҳамид Арабхона қишлоғидаги мактабда ўқитувчи. Қизи Анора ҳам педагог.

Хушназар ака қанчалик ували-жували бўлмасин, кўнглининг бир бўлаги доим Ставрополда. Ўнта бўлса ўрни бошқа деганларидек, у ерда доғистонлик иниси Зубайирҳожи бор. Онасининг тупроғи ўша ёқда қолган...

**С. РЎЗИМАТОВ.**





Хива районидаги Фрунзе номли колхознинг қиёфаси йилдан-йилга ўзгариб, кўркамлашиб бормоқда. Янги турар жой бинолари, маданий-маиший муассасалар, мактаб, шифохона, болалар боғчалари унинг ҳуснига ҳусн қўшаётир.

Саёт — хўжаликнинг аҳоли гавжум яшайдиган қишлоқларидан бири. Кейинги даврда у ниҳоятда гўзаллашди. Муҳтарам қариялар, иззат-икромга сазовор пенсионерлар ҳордиқ чиқарадиган маданият саройини қишлоқ кўрки деса бўлади.

**СУРАТЛАРДА:** маданият саройи; колхоз раиси Абдушариф Мадраимов (чапда), оқсоқоллар — Юнусжон Абдураимов, Исмоил Ғуломов ва Матёқуб Аҳмедов.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ
олган суратлар.

*Назм дафтаридан*

## ҚИШЛОҚ

Шовуллаган анҳорлари
йўқ,
Шовуллайди бунда
буғдойзор.
Ўз касбидан доим кўнгли
тўқ,
Турфа феълли одамлари
бор.
Ғалла экиб, боқса ҳамки
мол,
Юришидан кимлигин билар.
Уруш кўрган Бобоназар
чол
Бу дунёга омонлик тилар.
Эгри-бугри кетган кўчаси
Асфальт эмас,
иссиқ тупроқли.
Қайнисини «бола» дегувчи
Келинлар ҳеч билмас
нифоқни.
Ҳар юракда дунё ташвиши,
Қадри баланд бунда диёнат,
Бир қишлоқки, биронта
киши
Ўз юртига қилмас хиёнат.

## ЭГАТЛАР

Узун-узун эгатлар —
Тароқларнинг излари.
Ҳар эгатда биттадан
Фарғонанинг қизлари.
Кутар кимни интизор —
Бекатларда кўзлари,
Бир гапириб ўн кулар,
Сермаънодир сўзлари.
Яйдоқ дала яшнаган,
Гулдир босган излари.
Собит улар сўзида,
Гарчи камтар ўзлари.
Етиб бўлмас — кўкдаги
Ойдек қизлар юзлари,
Орзусин қалбга жойлаб
Оқартирар кўзларни.

## ЧЎЛ ҚИЗИ

ҚЎШИҚ

Шарҳи дилим тингламадинг,
сўзлаб қолдим,
Раҳм қилмадинг бу ҳолимга,
бўзлаб қолдим.
Кўзларингда меҳр аксини
кўрмадим ҳеч,
Гўдак каби бир хайрихоҳ
излаб қолдим.

Бўзтўрғайни биласан-ку —
кўкка ошиқ,
Кўк ишқида тўлиб-тошиб
куйлар қўшиқ.
Шижоатинг кўриб сенга тан
бердим мен,
Юрагимга тўр ташлади бир
оташ ишқ.

Рози бўлсанг, биргаликда
чўл қувайин,
Бўз ерларни чаман-чаман
гул қилайин,
Майли, сина, лекин ҳеч
вақт дема, дилбар:
«Бечорани бир куйдириб
кул қилайин!»

Аҳмад БОЛИБЕКОВ.
Ғаллаорол райони.

*Китоб жавонингизга*

## ЎСИМЛИКЛАРГА ОИД ЛУҒАТ

«Меҳнат» нашриётида чоп этилган ўсимликшуносликка оид русча-ўзбекча изоҳли луғат билан танишар экансиз, она тилимиздаги кенг имкониятларнинг яна бир қирраси шу китобда ифода қилинганидан қувонасиз. Фақат республикадагина эмас, балки жаҳондаги бошқа мамлакатларда, турли иқлимий шароитларда ўсиб, инсоният учун фойда келтираётган ўсимликларнинг русча атамаси билан бирга ўзбекча номи берилгани фикримиз далилидир. Луғатнинг бу нашри олдингисидан, шунга ўхшаш луғатлардан тузилиши билан фарқ қилади. Бунда ҳар бир ўсимликнинг ўзбекча номи ва изоҳини бериш билан чекланилмайди, балки унинг келиб чиқиш тарихи, ватани, ўсиш босқичлари, ўзига хос хусусиятлари ҳам баён этилади.

Луғатда хусусиятлари бизга кам таниш бўлган атамаларгина эмас, балки донли, дондуккакли, мойли, толали, зиравор ва манзарали ўсимликларга тааллуқли бўлган ботаник, агробиологик, агротехник номлар, шунингдек суғорма ерларда тарқалган бегона ўтлар ва уларга қарши кураш чоралари билан боғлиқ атамалар ҳам берилган.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалик соҳасида ўсимликлар парваришига доир иқтисодий ва ташкилий атамаларни ҳам учратамиз.

Китобда пахтачиликка доир тўрт сўз — «хлопководство», «хлопковое масло», «хлопок-сырец», «хлопчатник» берилган. Хлопководство (пахтачилик) деҳқончиликнинг тўқимачилик ва бошқа саноат тармоқлари учун энг қимматли хом ашё — пахта етиштириш билан шуғулланувчи тармоғи. Заводларда қайта ишлаш йўли билан чигитли пахтадан 30—40 фоиз, баъзан ундан ҳам ортиқ тола, 60—70 фоиз чигит олинади. Пахта чигитида эса 24—26 фоизгача ёғ ва бирмунча тук (линтер) бўлади.

Пахтачилик маҳсулотларидан деярли ҳамма саноат тармоғида фойдаланилади. У Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Перу ва Мексика каби мамлакатларнинг энг қадимий деҳқончилик тармоқларидан биридир.

Ўрта Осиёдаги совет республикалари — асосан Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистонда, қисман Озарбайжон, Арманистонда, Қирғизистон ва Қозоғистоннинг жанубий регионларида етиштирилади. Булар ичида Ўзбекистон ялпи ҳосил, пахта майдони жиҳатидан биринчи ўринда туради. Бу экин СССРдан ташқари, АҚШ, Ҳиндистон, Бразилия, Мексика, Миср, Покистон, Туркия, Эрон, Афғонистон ҳамда Осиё, Африка, Америка, Австралия ва Европадаги айрим мамлакатларда ҳам экилади...

Кўрсатилган муваффақиятларга қарамасдан луғатда айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Биринчидан, баъзи ўсимликлар кирмай қолган, масалан, Г ҳарфи бўйича груша—нок, гранат — анор, «Я» — яблоко—олма ва бошқа ўсимликлар ҳақида маълумот берилмаган.

Иккинчидан, айрим русча сўзларнинг ўзбекчаси бўлишига қарамай таржимасиз қолдирилган. Бундай сўзларга анализ (таҳлил), апробация (маъқулланиш), монокультура (якказироатчилик) ва бошқалар киради. Монокультура сўзининг маъноси тушунтириб берилган бўлса ҳам матбуот атамасидан фойдаланилмаган.

Бу камчиликлар луғат аҳамиятини пасайтира олмайди. У колхоз ва совхоз раҳбарлари, матбуот, радио, телевидение ходимлари, ўқитувчилар, қишлоқ хўжалик институтлари ва техникумлари талабалари ҳамда мустақил билим олувчилар учун қимматли қўлланмадир.

Шуни айтиш керакки, рус ва ўзбек тилларида пахтачилик маълумотномаси нашр қилинганига анча йил бўлиб қолди. Лекин республикамиз қишлоқ хўжалиги фақат пахтачиликдан иборат эмас, унинг барча соҳаларини қамраб олувчи тўлиқ русча-ўзбекча изоҳли луғат шу вақтгача нашр қилинмаган.

«Меҳнат» нашриёти туҳфаси ана шундай мукаммал ва ҳар томонлама маълумот берувчи изоҳли луғат барпо этиш учун яқиндан ёрдам бериши шубҳасиздир.

**Ҳ. СОБИРОВ,**
**профессор.**

## Спорт ахбороти

### СУЗИШ

Берлинда ГДР миллий олимпиада комитети соврини учун халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Қизғин баҳсларда айниқса майдон эгалари муваффақиятли қатнашдилар. Улар мусобақанинг охирги куни 12 олтин медалдан 8 тасини қўлга киритдилар. Яна Нильс Рудольф ўзини кўрсатди. Бу моҳир спортчи бир кун олдин 50 метрли масофага сузишда америкалик машҳур сузувчи Мэтт Биондини ортда қолдириб, ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилган эди. Сўнгра у 100 метрли масофада ҳам ғолиб чиқиб, мусобақанинг энг яхши қатнашчисига аталган соврин соҳиби бўлди.

Аёллар ўртасида 100 метрли масофага сузишда Катрин Майснер зафар қучди. Унинг ҳамшаҳри Томас Мюллер 200 метрга брасс усулида бўлган баҳсда ГДР рекордини (2 минут, 17,69 секунд) ўрнатди.

Мамлакатимиз вакилларидан харьковлик Наталья Шибаева ва березникилик Владимир Сельков (100 ва 200 метр) ҳурмат шоҳсупасининг биринчи поғонасига кўтарилдилар.

### ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Челябинскда ўтказилган мамлакат қишки биринчилигида ғолиблик учун қизғин кураш борди. Унда республикамиз вакиллари ҳам ўзларини кўрсатдилар. Жумладан, Сергей Усов 60 метрга ғовлар оша югуришда барча рақибларини ортда қолдириб марра чизиғига биринчи бўлиб етиб келди. Бу моҳир спортчимиз ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилиб, олтин медални қўлга киритди. Яна бир вакилимиз Марина Шмонина ҳам мамлакат чемпиони бўлди. Бу сафар у 400 метрли масофада ғолиб чиқди.

Лангарчўп билан сакрашда халқаро классдаги В. Ишутин имконият даражасида қатнаша олмай, тўртинчи ўрин билан кифояланди.

Краснодарлик Л. Нарожиленко жаҳон рекордини ўрнатиб, томошабинлар эътиборини қозонди. У аёллар ўртасида 60 метрга ғовлар оша югуришда энг яхши натижага эришди.

Самарқандлик С. Евсеев баландликка сакрашда кучли олтиликдан жой олди. Тошкентлик М. Андрис (ядро ирғитишда) ва И. Матросова (1.000 метрга югуришда) еттинчи ўринни эгаллашди.

### ТЕННИС

Касаба уюшмалари кўнгилли физкультура ва спорт жамиятининг стол тенниси бўйича шахсий турнирида ўзбекистонлик В. Шмуклер бор маҳоратини намойиш этди. Вакилимиз олдинига москвалик Н. Федоровни, кейин эса киевлик О. Шотлистаяни мағлубиятга учратди. Лекин минсклик Батура ва Гайдукка ютқазди. Натижада тўртинчи ўринни қўлга киритди.

### ДЗЮДО

Термизда қизлар ўртасида касаба уюшмалари республика кўнгилли ва спорт жамиятининг биринчилиги бўлиб ўтди. Унда барча областлар ва Қорақалпоғистон АССРдан 100 нафар қиз ғолиблик учун кураш олиб борди.

Мусобақа давомида сирдарёлик қизлар ҳам маҳоратлари ўсиб бораётганлигини амалда исботладилар. Жумладан, Бахт шаҳридаги «Олимпия» спорт комплексида тўрт йилдан бери шуғулланиб келаётган Н. Крупская номли 1-мактаб талабаларидан иборат команда умумий ҳисобда учинчи ўринни эгаллади. Бу муваффақиятга ўз вазнлари бўйича совриндор бўлган Линура Байрамова, Наталья Жидяева, Лариса Пак ва Ҳадича Саттoрова муносиб ҳисса қўшдилар.

### БАСКЕТБОЛ

Олий лигадаги (эркаклар) икки учрашув қуйидаги натижаларни берди: «Динамо» (Москва) — «Шахтёр» (Донецк) — 101:71, АСК (Олмаота) — МАСК — 81:89.

## МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

### ХОР ҚЎШИҚЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Чирчиқ шаҳрида хор қўшиқларини ижро этиш маҳорати фестивали бўлди. Халқ истеъдодлари учинчи Бутуниттифоқ кўриги доирасида ўтган фестивалда тингловчилар хор ижрочилигининг гўзаллигини ҳис қилдилар. Фестивалда Тошкент областининг турли ерларидан келган 14 та коллектив қатнашди.

Область маданият бошқармаси уюштирган кўрикнинг мақсади — хор ижроси билан шуғулланувчи бадиий ҳаваскорлик коллективларини кўпайтириш, халқ қўшиқларига муҳаббат уйғотишдан иборат бўлди. Олмалиқ шаҳар «Металлург» маданият саройи рус халқ қўшиқлари ансамбли ва ветеранлар хори, шунингдек Чирчиқ шаҳар «Кимёгар» маданият саройи рус халқ хори ва «Аэлита» ансамбли фестиваль совриндори бўлди.

### ТАРБИЯЧИНИНГ ТАЖРИБАСИ

Успенский номли махсус мактаб-интернат муаллими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Т. А. Попович Тожикистон маданият ва санъат ўқув юртлари муаллимларининг анъанавий учрашувига тажриба алмашиш учун таклиф этилганди. Тамара Афанасьевна бир қанча очиқ дарс ўтказди. У бу дарсларда ўзининг ўқитиш усуллари, истеъдодли болаларни қандай қидириши ҳақида гапириб берди.

Тамара Афанасьевна кўп мусиқачиларни тарбиялади. Улар орасида халқаро, Бутуниттифоқ, республика кўрик-мусобақаларининг ғолиблари бор. Муаллима Душанбе шаҳрига ўзининг ҳозирги ўқувчилари Фазлиддин Ҳусанов, Женя Морский билан бирга борди. Ана шу ёш пианиночиларнинг муваффақиятли концертлари ҳақида Тожикистон матбуотида яхши мақолалар босилди.

**Муҳаррир**
**А. Ғ. МУХТОРОВ.**

## ОЙНАИ ЖАҲОНДА КЎРИНГ

### 14 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 Физика. Магнит индукцияси ва унинг техникадаги аҳамияти.
12.00 «Биргаликда шодон қадам ташлаймиз», «Каптар ови». Телефильмлар.
12.30 География. Шимолий Американинг табиати.
13.00 «Тўғри сўзнинг тўқмоғи». Бадиий фильм.
* * *
17.00 «Узун йўлдаги учрашувлар». Ҳужжатли телефильм.
17.30 Эстетика асослари. Санъат турлари.
18.05 Шоирлар — болаларга. Абдусаид Кўчимов.
18.40 «Инсон ва хизмат кўрсатиш тармоқлари». Бўстонлиқ райони мисолида Озиқ-овқат программасини ҳал этишда район матлубот уюшмаларининг роли ҳақида.
19.10 «Халқ номзадлари». Телеочерк.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 ЎзССР халқ артисти Қизлархон Дўстмуҳамедова рақсга тушади.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Баҳс». Андижон вилояти Балиқчи ва Олтинкўл районлари қизларининг конкурс программаси.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Баҳс» (давоми).
23.10 «Голливуд барҳаётми?». Кинокўрсатув.

● ЎзТВ II

19.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Сайловлар қандай ўтади».
20.20 «Тарбия ҳамманинг иши».
**Тижорат видеоканали**
21.00 «Иш ўнгидан келса...». Тошкент тўқимачилик комбинатининг ижара пудрати шароитларидаги иш тажрибаси ҳақида (рус тилида).
ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Қирғиз санъати кишилари». Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Асанбоев, Тохтағул номли Қирғизистон ССР Давлат мукофотининг лауреати К. Досумбоев.
23.00 «Маъзур тутинг». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Хор плюс биз».
9.50 «Сўз». Адабий-бадиий видеоканал. Б. Л. Пастернак туғилган куннинг 100 йиллигига.
11.50 «Юзма-юз». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
12.55 СССР Олий Совети сессиясининг очилиши. Кўрсатув тугагач — ССР Иттифоқи Давлат камер оркестри чалади.
15.30 «Уста ва Бригантина». Телевизион ҳужжатли фильм.
16.00 «Мусиқий хазина».
16.50 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
17.50 Шеърият лаҳзалари.
17.55 Останкино концерт студиясида «Ишбилармон кишилар учрашуви». 1-кўрсатув.
18.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот).
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 «Динозаврлар тоғи». Мультфильм.
19.40 «Мордасова қўшиқ айтганда». Фильм-концерт («Экран»).
20.25 «Юзма-юз». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 «Шарқий Сибирь». Киножурнал.
22.10 Хоккей. СССР чемпионати. МАСК—«Химик».

● МТ II

17.25 Ф. Шуберт. 5-симфония. Си-бе-моль мажор.
18.00 Чанғи иккикураши. Жаҳон кубоги. Трамплиндан сакраш. Командалар пойгаси. Ленинские горидан кўрсатилади.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 СССР давлат телерадиосининг Катта симфоник оркестри Японияда.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Камалак ранг гул». Мультфильм.
20.45 А. С. Пушкин ёзиб олган халқ қўшиқлари. Фильм-концерт.
21.45 «Ҳамма фарзандларим хушрўй». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
22.00 «Юлдузлар туркуми». Ф. Искандар асарлари асосида телевизион бадиий фильм («Мосфильм»). Премьера.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқаруви ва «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетаси редакциясининг коллективи СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси, ЎзТАГнинг саноат-иқтисод бўлими мудири, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси мукофоти лауреати

**Юрий Григорьевич КРУЖИЛИНнинг**

бевақт вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг оиласиға чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»—
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р. 04085. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Д. 1132. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12